Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 102 (13.662).

1967 АПРЕЛЬ 30 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Улуғ Ватанимизнинг иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини кўпайтираверингиз! КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга ошириш учун, беш йиллик планни бажариш учун тағин ҳам зўр ғайрат билан курашингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Я. Пельше шу йил 28 апрелда КПСС Марказий Комитетида Греция Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари К. Колиянис ва Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Д. Парцалидис, Л. Стрингос билан учрашдилар.

Греция Компартиясининг делегацияси Грециядаги сўнгги воқеалар тўғрисида ахборот бериб, мамлакат мусибатли кунларни кечираётганлигини таъкидлаб ўтди. Король саройи, ҳарбий хунта ва бошқа ўта ўнг унсурлар томонидан амалга оширилган ҳарбий тўнтаришни АҚШнинг империалистик доиралари уюштирдилар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Бу тўнтариш прогрессив кучлари тор-мор қилишга ва Грецияни АҚШ билан НАТОнинг агрессив планларига батамом бўйсундириш учун, Европадаги кескинликни юмшатишга тўсқинлик қилиш учун реакция интилишига халқнинг қаршилигини бостиришга қаратилган, ҳарбий хунта ўзининг сиёсий мухолифларидан ўч олмоқда, минг-минглаб демократлар турмага ташланди. Шундай бир шароитда Греция Компартияси ички ва ташқи реакциянинг янги ҳужумига зарба бериш, конституцион эркинликларни ҳимоя қилиш, Грециянинг демократия ва социал тараққиёт йўлидан ривожлантириш учун курашда барча прогрессив ва ватанпарвар кучларни бирлаштириш учун курашмоқда. Ўзининг демократик традицияларига содиқ бўлган Греция халқи, дейинди Греция Компартияси делегациясининг аъзолари, террорчи ҳарбий диктатурага бўйин эгмайди.

КПСС вакиллари шуни айтишдики, Грециядаги ҳарбий тўнтариш грек ҳукмрон юқори табақасининг кучини эмас, балки заифлигини кўрсатади. Реакцион унсурлар ҳар қандай мададдан маҳрум бўлгач, охирги чорани танлаб олдилар — ошкора диктатура ўрнатдилар. Совет коммунистлари ва Совет Иттифоқининг барча халқлари ҳарбий тўнтаришни ва Грециянинг демократ арбобларидан ёвузларча ўч олинаётганлигини газаб билан қоралайдилар. Греция коммунистлари билан қизғин бирдам эканликларини изҳор қиладилар ва эрксевар грек халқи, унинг демократик кучлари ва синалган авангарди — Греция Коммунистик партияси грек ҳарбийларининг ва уларга мадад бераётган қора кучларнинг янги ҳужумини даф қила оладилар, мамлакатнинг ривожини демократик йўлга солиб юбора оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Учрашув вақтида ҳар иккала партия АҚШнинг ва малайларининг Вьетнамдаги босқинчилик агрессияси давом эттирилаётганлигини қаттиқ қоралайдилар ҳамда Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан қизғин бирдамлик изҳор қилдилар. КПСС билан Греция Компартияси империализмга карши, халқлар ўртасида тинчлик учун курашишга, Греция билан Совет Иттифоқи коммунистлари ва халқлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни тиниқ мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганликларини таъкидладилар.

КПСС билан Греция Компартиясининг вакиллари Хитой Компартиясидаги Мао Цзэ-дун группаси аслида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларидан юз ўгириб халқаро коммунистик ҳаракатда бузғунчилик ишлари олиб бораётганлигини қоралайдилар.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида таъкидлаб ўтиладики, КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг жуда катта ёрдами, шунингдек қардош республикаларнинг ёрдами туфайли Ўзбекистон ССРда йўл хўжалигини яхшилаш соҳасида анча иш қилинди. Умумхалқ иши бўлиб қолган йўл қурилишида маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, республика министрликлари ва идоралари актив қатнашмоқдалар.

Ҳозирги вақтда қаттиқ қопламали автомобиль йўллари шохобчаси 17 минг километрга етди, шу жумладан, 14 минг километрли йўлга битум ётқизилди. Барча область марказлари, шаҳарлар, саноат ва қишлоқ хўжалик районлари ўзаро транспорт алоқаси билан таъминланди ва улар билан темир йўл станциялари, район марказлари, совхозлар, колхозлар, тайёрлаш пунктлари ўртасида транспорт алоқаси ўрнатилди. Йўл хўжалигининг ривожланиши қатнов тезлигини ошириш, иш унумдорлигини кўтариш ва автомобиль паркининг эҳтиёжлари учун бўладиган эксплуатацион чиқимларни қисқартириш имконини берди.

Шундай қилиб, асосий йўлларни қуриш ва реконструкция қилишнинг биринчи босқичи тугалланди. Республика йўл қурилишининг иккинчи босқичига қадам қўйди. Бу босқич, бир томондан, йўлсизликни батамом тезликда тугатишдан ва, иккинчи томондан, йўл шохобчаларини босқичма-босқич такомиллаштира боришдан иборат.

Шу билан бирга қарорда айтиладики, республиканинг йўл хўжалигида бир қанча жиддий нуқсонлар бор. Мукаммал қоплама йўл қурилиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш техника базаси сust ривожланмоқда, қаралманган шагал ишлатишга йўл қўйилмоқда, йўл техникасидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётир. Айрим жойларда йўллар нуқсонлари бўлгани ҳолда фойдаланишга топширилмоқда.

Ўзбекистон ССР Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги йўл қурилиши маданиятини юксалтириш ва йўлларни яхши ремонт қилиш ҳамда пухта асраши таъминламади. Маҳаллий Советларнинг баъзи ижроия комитетлари, шунингдек пахта тозалаш саноати, мелиорация ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги министрликлари узоқ жойлардаги тайёрлаш пунктларини, колхоз-совхозларни ва корхоналарни темир йўл станциялари билан, район марказлари ва шаҳарлар билан боғлайдиган йўлларни яхшилаш тўғрисида тегишинча ғамхўрлик қилмаётирлар. Кейинги вақтларда бир қанча областларда бўлинмас фондлар ҳисобига колхоз йўллари қурилиши ҳажми ўринсиз қисқартириб юборилди.

Ўзбекистон ССР Госплани, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги йўл қурилишида ишловчи кадрларни тайёрлашга етарли даражада эътибор бермаётирлар. Йўл қурилиши соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг савияси ва миқёслари замонавий талабларга жавоб бермаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада йўлсизликни тамомила тугатиш, автомобиль йўллари шохобчаларини босқичма-босқич такомиллаштира боришни таъминлаш, шунингдек халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва меҳнаткашларнинг маданий талабларига жавоб берадиган қилиб бу йўлларни ҳар томонлама обод қилиш — асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайдилар.

1967—70 йилларда умум фойдаланишдаги 3800 километр автомобиль йўлини, шу жумладан умумдавлат ва республика аҳамиятига эга бўлган 1110 километр, область ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 2690 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланди. Бундан Тошкент областида 473 километр, Сирдарё областида 339, Самарқанд областида 383, Фарғона областида 305, Андижон областида 212, Бухоро областида 530, Қашқадарё областида 360, Сурхондарё областида 340, Хоразм областида 374, Қорақалпоғистон АССР да 484 километрли автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилди. Магистрал йўлларнинг кўп юк ташиладиган барча участкаларида капитал типдаги йўл қоплаларини қуриш мўлжалланди.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Бухоро областларининг ишлаб чиқарувчи кучлари гоят ривожланиб бораётганлигини, шунингдек чет эл туристларининг Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликларни кўриш учун тез-тез келиб турганликларини эътиборга олиб, республика Автотранспорт ва тош йўллар министрлигига яқин йиллар ичида Тошкент — Мирзачўл — Самарқанд — Бухоро автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

Колхоз ва совхозларнинг 1967—70 йилларда хўжаликларнинг ўз ичида 1200 километр узунликдаги йўл шохобчаларини қуриш ва обод қилиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

Беш йиллик даврида йўл қопламаларининг капитал типлари қурилишига кенг кўламда ўтилиши муносабати билан йўлқурилиш индустрияси ва йўл қурилиш-материалларини ишлаб чиқарадиган саноатнинг янги корхоналарини вужудга келтириш — ўн тўққизта асфальтбетон заводини, темир-бетон кўприк конструкцияларининг уч заводини, шунингдек йигма темир-бетон полигонларини, шагал майдалайдиган ва қум тайёрлайдиган ўн тўртта саралаш цехларини, йўл техникасини ремонт қилувчи заводни, йўл қурилиши ва кўприк қурилиши бошқармаларининг 15 та ишлаб чиқариш базасини қуриш кўзда тутилади. Бу иншоотларнинг лойиҳаларини тузиш «НИИстромпроект»нинг Тошкент институтига, бу иншоотларни қуриш эса Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига топширилди.

Йўлларни ҳар томонлама обод қилиш ва безаш кўзда тутилади. Бу йўллар йўл-сигнал белгилари ва маршрут схемалари билан тўла таъминланади, автобусларнинг тўхтаб туриши учун зарур миқдордаги майдончалар, автопавильонлар, вокзаллар, техникавий хизмат кўрсатиш станциялари, магазинлар, ресторанлар, ошхоналар билан таъминланади. Йўл атрофига манзарали дарахтлар ва мева дарахтлари ўтказилади, дам олиш майдончалари ташкил қилинади.

1967 йилда барча қишлоқ районларида хўжалик ҳисоби асосида ишловчи йўл қурилиш—ремонт ташкилотлари (ДРСУ) тузиш ҳамда колхоз ва совхозлар билан шартномалар тузиш асосида шохйўллар ҳамда хўжалик ички йўлларини қуриш ва ремонт қилиш, шунингдек район территориясида жойлашган область миқёсидаги йўлларни асраш ишларини шу ташкилотлар зиммасига юклаш зарур деб топилди. Автомобиль транспорти ва тош йўллар область бошқармалари автомобиль йўлларини қуриш ва ремонт қилиш бўйича хўжалик ҳисобидаги область бошқармаларига айлантирилади.

Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги ҳамда «Узгипроавтодор» институти 1967—70 йилларда 5100 километр узунликдаги йўл қурилиш ишлари юзасидан ишлаб чиққан лойиҳа ишлари программаси маъқулланди.

1967—68 йилларда автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш мўлжалланди. Кадрлар тайёрлаш ишлари кенгайтирилади. Тошкент автомобиль институтини ташкил этиш мўлжалланди. Бу институт қурилиши тамомланганига қадар 1967—68 ўқув йилида Тошкент политехника институтининг автомобиль-йўл факультети вужудга келтирилади. Автомобиль йўллари ўқув комбинатлари кенгайтирилади, оммавий касблардаги кадрлар тайёрлаш программаси кенгайтирилади.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари йўл хўжаликларидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтиришлари, ишчиларни, инженер-техник ходимларни йўл ишлари бўйича давлат планини бажариш учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялаш учун масъулиятини ва уларнинг ташкилотчилик ролини оширишлари лозим.

Илғор тажрибани бошқа жойларга ҳам ёйиш тадбирларни кўзда тутилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ хўжалиги ва автомобиль транспорти ютуқларининг доимий виставкаси ташкил этилади. Автотранспорт ва тош йўллар министрлигининг Маданият саройини қуриш мўлжалланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар обод йўллар қурилишининг катта программасини амалга оширишда актив қатнашадилар, ҳар бир область, район, ҳар бир колхоз ва совхозда намуна бўларли йўллар қурилиши учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

● Хўжайли ва Тахиатош шаҳар корхоналари Бухоро табиий газ ёрдамида ишлаб турибди. Байрам арафасида Хўжайли — Нукус оралиғида 20 километрли газ трансшеялари ҳам қазилиб бўлди ва қувурлар ётқизилди. Газ тақсимлаш пункти барпо этилди. Бу ерда шаҳар микрорайонига томон 4 километр узунликда пўлат қувурлар ўтказилди. Шундай қилиб, 1 Май байрами арафасида Бухоро «зангори олов»и Нукус шаҳрида ҳам аланга берабошлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

● Республика енгил саноат корхоналари коллективлари юбилей шарафига вахтада туриб ишлаб тўрт ойлик планни муваффақиятли бажардилар. Биринчи квартал якунларига кўра Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини олган Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси, Енгил саноат министрлиги ҳамда тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга эришган Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмаси, Қўқондаги Охунбобоев номли тикув фирмаси коллективлари Май олди мусобақасида ҳам биринчиликни эгалладилар.

Т. АМИНОВ.

● Тошкент пиллачашлик фабрикаси 28 апрелдан буён май ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти. Бугунгача тўрт ойлик плана қўшимча 17 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тайёрланган маҳсулотнинг пандаги 53 процент ўрнига 70 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

М. ХЎЖАЕВА.

● Ўзбекистон нефть бирлашмаси коллективи ер ости бойликларини халққа хизмат қилдириш учун курашда ажойиб зафарларга эришмоқда. Бирлашма азаматлари 1 Май шарафига олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар. Қўқон геология қидирув, Газли пермалаш конторалари, Шимолий Сўх нефть кони коллективлари ишлаб чиқаришда энг яхши ютуқларга эришганликлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроқларини олишга эришдилар.

Х.ҚОСИМОВ.

РЕВОЛЮЦИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Биринчи Май арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кекса коммунистлар билан учрашув бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов революция ветеранларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси номидан меҳнаткашларнинг халқаро байрами билан самимий кутлади. Ш. Р. Рашидов уларга сиҳат-саломатлик ва ёш авлодни совет халқининг шонли традицияларини руҳида тарбиялаш соҳасидаги ижтимоий фаолиятларида уларга янги муваффақиятлар тилади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин қатнашдилар. (ЎзТАГ).

А. Н. КОСИГИН БАР ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОШЛИҒИ АНВАР САОДАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 29 апрелда Кремлда Бирлашган Араб Республикаси парламент делегациясининг бошлиғи сифатида Совет Иттифоқига келган Бирлашган Араб Республикаси Миллат мажлисининг раиси Анвар Саодатни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ХАЛҚ ТЕРРОРЧИЛАРНИ ҚОРАЛАМОҚДА

ФАШИЗМГА ЙЎЛ БЕРИЛМАСИН!

Греция элчихонаси биноси ёнида намойиш

МОСКВА, 28 апрель. (ТАСС). Халқ қаҳрамони, атоқли грек жамоат арбоби Манолис Глезосдан ўч олишга тайёргарлик кўрилаётганлигига қарши бугун Грециянинг элчихонаси биноси ёнида кўп кишилик намойиш бўлди.

Намойишчилар ўзлари ёзган: «Қаҳрамондан ўч олишга йўл қўйилмасин!», «Фашизмга қарши курашга озод қилинсин!», «Биз Глезоснинг озод этилишини талаб қиламиз!», «Йўқолсин ҳарбий хунта!» деган шиорларни кўтариб келишган.

Тўпланганлар мушт ларини баланд кўтариб, — фашизмга йўл берилмайди! Фашизмга йўл берилмайди! Фашизмга йўл берилмайди! — деб қайта-қайта хитоб қилдилар.

Ўз-ўзидан митинг бошланиб кетди. Сомали, Кипр ва бошқа мамлакатлардан келган йигитлар нутқ сўзлайдилар. Ҳаяжонли, оташин нутқларда Грецияда ҳарбий диктатурани ҳокимият тепасига чиқариб қўйган империалистлар қаҳр-газаб билан қораланди. Нотиқлар минглаб ватанпарварларнинг турмага ташланганлигини айтадилар. Грециянинг энг асл фарзандларидан ўч олишга тайёргарлик кўрилмоқда. Улар орасида Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қаҳрамони, Афина акрополидан фашистлар байроғини олиб ташлаган Манолис Глезос ҳам бор.

Ёшлар Глезосни озод қилиш тўғрисидаги талабномани грек дипломатларига топширмоқчи эди, лекин уларнинг вакиллари буни қабул қилмади.

Қаҳр-газаб тўла сўзлар қайта-қайта янграйди. Ёшлар: Манолис Глезос озод қилиниши керак! — деб қаттиқ талаб қиладилар. (ТАСС).

ИШЧИЛАР ТАЛАБИ

Маълумки, Грецияда парламент сайловларида маглубиятга учрашдан хавфсираган бир гуруҳ реакцион фашист элементлар яқинда ҳарбий тўнтариш ўтказган эдилар. Бутун жаҳон жамоатчилиги ҳокимият тепасидаги фашист элементларнинг мамлакатда тўнтариш ўтказилгандан кейинок демократик ва прогрессив кучларни таъқиб қила бошлаганига кескин норозилик билдирмоқда. Америка империализмининг очиқдан-очиқ мадади билан ҳокимият тепасига келган бир гуруҳ реакцион элементлар мамлакатни худди турмага айлантириб қўйишди. Барча тинчликсевар кучлар, озодлик жангчилари, шу жумладан Греция халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезос қамоқда олинди.

Совет ҳукуматининг Москвадаги Греция элчихонасига йўллаган баёноти муносабати билан Ленин ордени «Таштекстильмаш» заводи инженер-техник ходимлари ва ишчилари кеча грек халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезосни ўлим жазосига ҳукм қилмоқчи бўлаётган Греция монархист-фашистлар диктатурасига норозилик билдириш учун механика цехига митингга тўпландилар. Қисқача кириш нутқи билан митингни очаркан, завод партия комитетининг секретари ўртоқ А. П. Степанов шундай дейди:

— Биз озодликка интилаётган грек халқига қарши бошланган қонли террорни кескин қоралаймиз, таниқли демократ арбобларнинг турмалардан чиқарилишини ва гражданларнинг элементар озодлиги ва конституцион ҳуқуқлари таҳқирланмаслигини талаб қиламиз.

Митингда биринчи бўлиб заводнинг бош технологи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати В. М. Филимонов сўзга чиқади.

— Шу йил 21 апрель куни Грецияда ҳарбий тўнтариш юз берди. Ҳокимият тепасига ўта реакцион, фашист элементлар чиқиб олди. Бу элементлар ўз мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек уларга мадад бериб турган Америка империализмининг Болқон ярим оролида янада мустаҳкамроқ жойлашишига эришиш учун демократик кучларни қувғин остига олмоқда. Мамлакатда барча демократик партиялар тақиқланган, прогрессив кучларга қарши аёвсиз террор олиб борилмоқда. Тахминий ҳисобларга қараганда, ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатда прогрессив кучлардан 16 минг киши қамоққа олинган. Ана шулар орасида совет халқининг яқин дўсти, бутун дунёда тинчлик ва озодлик учун курашнинг қаҳрамон жангчиси, Греция халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезос ҳам бор. Фашист элементлар Манолис Глезосни суд қилмасданоқ қатл этишга, демократик кучларни раҳбар арбобдан ажратиб қўйишга уринмоқдалар.

— Бироқ, — дейди нотиқ, — бутун прогрессив инсоният грек халқининг миллий қаҳрамонини озод этиш учун курашмоқда. Кечагина Совет ҳукуматининг Москвадаги Греция элчихонасига йўллаган баёнотида ҳам бу талаб баралла янграйди. Биз завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари Грецияда демократик кучларга қарши олиб борилаётган қонли террорнинг дарҳол тўхтатилишини ва Манолис Глезос ҳамда бошқа прогрессив арбоблар дарҳол озод этилишини талаб қиламиз. Бизнинг асримизда фашизмга йўл йўқ!

«Таштекстильмаш» заводида Грециянинг кўпгина сиёсий мухожирлари ҳам ишлашади. Улар рус, ўзбек, тожик, татар ва бошқа миллат вакиллари билан биргалиқда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун тинч ижодий меҳнат қилмоқдалар. Бугун, грек халқининг бошига оғир кулфат тушган бир пайтда улар совет кишиларининг меҳрибонлиқалб ҳароратини яна бир бор ҳис қилмоқдалар. Митингда сўзга чиққан грек сиёсий мухожирлари — СИБТМ конструктори Яков Григорьевич Франгос, йигув цехининг мастери Демьян Кузьмич Попондопулос ва қуюв цехининг мастери Телемахис Аргирис Стратакислар ана шу меҳрибонлик ва қардошлик учун совет кишиларига миннатдорчилик изҳор этдилар.

— Иккинчи жаҳон урушидан кейин Грецияда фашист элементлар демократик кучларни қувғин остига олганда биз, бир группа сиёсий мухожирлар Совет Иттифоқидан, хусусан Совет Ўзбекистонидан бошпана топдик. Мана шу надрдон заводда сизлар билан бирга ишлаб келаётирмиз, — дейди ўртоқ Т. А. Стратакис. — Миллий қаҳрамонимизга қарши ёвуз ниятлар қилинаётган пайтда ҳам сизлар бир овоздан «Грецияда фашизмга йўл йўқ, Манолис Глезос зудлик билан озод этилсин» демоқдасизлар. Минг раҳмат, ҳамкасбларим.

Завод директори ўртоқ З. Н. Назиров сўзга чиқаркан, барча ишчи ва хизматчиларнинг фикрини ифодалаб шундай дейди:

— Бутун кишилари, барча прогрессив инсоният қаҳрамон грек халқининг озодлик учун курашига бирдамлик изҳор этмоқдалар. Қаҳрамон Манолис Глезос ҳам озод этилади. Ишонамизки, Грецияда озодлик тантана қилади.

Митинг қатнашчилари грек халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезоснинг ўлим жазосига маҳкум этилишига қарши қатъий норозилик билдириб ва уни зудлик билан озод қилинишини талаб қилиб резолюция қабул этдилар. Резолюцияда Ленин ордени завод ишчилари ўзларининг грек халқи билан интернационал бирдамлигини изҳор этадилар ва қаҳрамон грек халқи албатта ғалаба қозонади деб ишонч билдирадилар.

Греция маъмурларининг кирдикорларига қарши норозилик митинглари Тошкентдаги бошқа саноат корхоналари, ўқув юртлари ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

Б. ЮСУПОВ.

«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

Суратда: «Таштекстильмаш» заводида митинг пайти.

А. Тўраев фотоси.

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Уруш ветеранлари совет комитети миллион-миллион собиқ фронтчилар, партизанларнинг, фашизмга қарши курашда қатнашган ҳамма ватанпарварларнинг иродасини ифодалаб, Грецияда монархист-фашистлар диктатураси ўрнатилганлигига қарши, Греция реакциясининг Америка империалистлари мададига таяниб, жиноятлар қилаётганлигига қарши қатъият ва қаҳр-газаб билан норозилик билдиради.

АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси, Грецияда ҳарбий хунта ҳокимиятни эгаллаб олганлиги, Германия Федератив Республикасида нацистлар фаолияти кучайганлиги, бошқа баъзи мамлакатларда фашистларнинг хуружлари ва игвогарликлари — буларнинг ҳаммаси халқаро кескинликни юмшатишга халақит беришга, халқларнинг озодлик, мустақиллик, тинчлик ва дўстлик йўлидаги ҳаракатига тўсқинлик қилишга интилаётган реакцион ва империалистик кучларнинг ялпи тил бириктиришидаги бўғинлардир.

Грециядаги воқеалар фашизмнинг ҳар қандай формада бўлмасин қайта тикланишига қарши жуда кескин кураш олиб боришга, ҳушёр бўлиб туришга, қилинаётган даъватнинг актуаллигини яна бир марта таъкидламоқда.

Уруш ветеранлари совет комитети фашизмга қарши курашда қатнашган ҳамма кишиларнинг иродасини ифодалаб, Грециядаги монархист-фашистлар тўнтаришининг ташкилотчилари ва илҳомчиларига лаънатлар ёғдиради, бу мамлакатнинг ички ишларига чет давлатларнинг аралашувини қоралайди, прогрессив кучларнинг таъқиб қилинишини тўхтатишни, террор ва жиноятларга чек қўйишни қатъий талаб қилади.

Биз грек халқининг фашизмга ва реакцияга қарши кураши билан тўла равишда бирдам эканлигимизни билдирамиз,

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Дам олиш куни! Варвара Васильевна Кротова чўл белига шойи белбоғ бўлиб оқаётган Жанубий Мирзачўл канали соҳилига чиқди. У каналдаги тиниқ, шаффоф сувда ўз аксини кўрди. Мирзачўл бағридаги Боёвут, Янгиер, Ильич ва Мирзачўл районларининг яшил пахтазорлари, боғу бўстонларига мана шу канал сайқал бериб турибди. Канал қирғоғида эса Янгиер шаҳри савлат тўкиб турибди. Варвара қувонч билан чор атрофга боқди. Келинчакдек товланиб келган баҳор янги ерларнинг ҳуснига ҳуснк қўшиб юборган.

Варвара Васильевна ҳам Мирзачўлда бахт топган хотин-қизлардан. У ўз севгилиси, умрдоши Сергей билан Қайроққум ГЭСида ишлади. Сергей улкан қурилишда суворчилик касбини давом эттирди. Варвара ҳам ана шу касбни эгаллашга киришди. Меҳнатда ҳам, турмушда ҳам Сергей билан бирдай қадам ташлаб борди. Улар гоят бахтиёр эдилар. Лекин кутилмаган бахтсизлик рўй берди. Унинг умр йўлдоши Сергей Кротов автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлди. Матонатли аёл бу қайғу-аламни мардонавор енгиб чиқди...

Сергей Қайроққум ГЭСи қурилиши тамом бўлгандан кейин Мирзачўлга бориб ишлашни орзу қиларди... Мана, ГЭС энергия бера бошлади. Электростанция ишга тушиши муносабати билан бўлган митингда Сергей Кротовнинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинди. Варвара Сергейнинг орзусини амалга ошириш учун Мирзачўлга отланди. Лекин баъзилар:

— Вера, икки боланг билан чўлда нима қиласан, мана шу ерда ишлайвер, ёрдам берамиз, — дейишди.

— Тақдирни инсоннинг ўзи яратади, Сергейнинг орзуси менинг орзум, Мирзачўлга бораман, — деб жавоб берди Варвара.

Варвара Мирзачўлга келди. Аввал Янгиердаги темир-бетон заводида арматурачи, сўнгра бўёқчи бўлиб ишлади. Меҳнат қилган элда азиз, Варвара ҳам қайси ишда ишламасин, ўзининг меҳнатсеварлиги, жамоатчилиги билан катта ҳурмат қозонди. Қурилиш ташкилоти Варварага янги уй берди. Фарзандлари эса боғчага йўл олди.

Кротова бўёқчилар бригадасига бошлиқ этиб тайинланди. У раҳбарлик қилаётган бригада коллективи Гулистон ва Янгиер шаҳарларидаги кўпқаватли биноларга пардоз берди. Айни кунларда у ўз бригадаси билан янги қурилаётган Сирдарё ГРЭСида меҳнат қиляпти. Бўлажак ГРЭС ишчи ва хизматчилари учун янги шаҳарча қад кўтарябти. Варвараниг бригадаси шаҳарчадаги янги қурилган биноларга ҳусн берябти. Яқинда бригада 120 ўринли янги ётоқхона биносини пардозлади. Ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Қувонч устига қувонч. Варвара Васильевна Кротованн инженерликлар Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Чўлқуварлар ўз ҳамкасбларига яқдиллик билан овоз бердилар.

— Депутатимиз Варвара Васильевна дастлабки топшириқларни бажяряпти, — дейди мамнунлик билан Сирдарё ГРЭСининг директори Божко. — Юк туширувчилар бригадасининг бошлиғи Абдуали Умматов бўшатилган вагонларнинг тўхтаб қолаётгани, бўёқчи Н. Жирова эса бўёқ кистдари етишмаётганлиги тўғрисида эътироз билдирган эди. Депутатимиз станция бошлиғи ва «Голодностепстрой» таъминот бўлимининг бошлиғи билан жиддий гаплашди. Натижада вагон кўп тўхтамайдиган ва бўёқ кистлари вақтида келадиган бўлди.

Сирдарё ГРЭСи бўёқчилар бригадасининг бошлиғи, «Голодностепстрой» хотин-қизлар совети нинг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Варвара Васильевна Кротова Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун астойдил ишлаяпти.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Термиз шаҳридаги 53-автобус таксомотор парки коллективи юбилей йилида қутлуғ марраларни эгаллаш учун курашмоқда. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида ўн бир ойлик планни Октябрь байрами кунигача ва йиллик топшириқни СССР Конституцияси кунигача адо этиш учун мусобақа қизғин тус оляпти.

А. Асташкин, Ю. Новицкий, А. Приймак, В. Максимов, М. Бадиров, С. Сатторов ўртоқлар юбилейни муносиб шахсий тўқфалар билан нишонлаш ҳаракатида. Ремонтчи ишчилардан В. Зотов, А. Берменев, Д. Юдкин ўртоқлар смена топшириқларини 1,5-2 ҳисса ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлаётирлар. Ўртоқ А. Козницкий бошлиқ бригада айниқса намуна кўрсатмоқда. Бригада пассажир ва юк ташиш таннархини арзонлаштириш, ёнилғи ҳамда мойлов материалларини тежашда қувончли натижаларга эришяпти.

Бу йил автомобиль хўжалигини кенгайтириш ва ремонт ишларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар кўрилади. Янги асбоблар билан ускуналанган пайвандлаш цехи, 12 та машина сиғадиган бостирма, агрегат ҳамда узеллар сақланадиган икки омбор, енгил машиналар учун саккиз ўринли махсус бино барпо қилинади. Ҳозирнинг ўзидаёқ машиналарга техника хизмати кўрсатишнинг прогрессив усули жорий этилди. Цехларда автомобиль гилдираклариии созлаш бўйича оптика постлари, диагностика стендлари, ёнилғини дистанцион усул билан бериш тадбиқ қилинган.

Автомашиналарга техникавий хизмат кўрсатиш намуналаи йўлга қўйилган. Янгидан яна 5 та автобус маршрути очилди. Шеробод чўлидаги Абдулла Набиев номли, «Советобод», Жарқўрғон районидаги «Сурхон», Бойсун районидаги «Сайроб» совхозлари марказида автобус станциялари қурилмоқда. Автобуслар ҳамда машиналар тўхтайдиган пунктлар радиолаштирилмоқда.

Термизлик автомобилчилар мажбуриятга яраша меҳнат қилиб ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Юк ва пассажирлар ташиш ҳамда бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича квартал плани ортиғи билан бажарилди.

А. ХАЛИЛОВ,

«Совет Узбекистони» мухбири.



МОСКВА-ХОРАЗМ ЭКРАНЛАРИДА



Хоразм области. Бухородан Қўнғиротгача Қизилқум ва Қорақум саҳролари оша радиорелей магистралининг мачталари қад кўтарди. Радиорелей линияни Улуғ Октябрнинг 50 йиллигигача қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Бу линия ишга туширилгач Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССР нинг айрим районларидаги телетомошабинлар Москва ва Тошкент эшиттиришларини тинглаш ва кўриш имкониятига эга бўладилар.

Телевизион ускуналарни Москвадаги «Радиострой» трестининг 305-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи амалга оширмоқда. Шу кунларда Тошкенткабель ва радиорелей линияларн бошқармасининг ишчи ва инженер-техник ходимлари радиорелей линияларни монтаж қилишга ҳозирламоқдалар. Суратларда: (чапда) Қорақумдаги радиорелей станция, ўнгда эса Тошкенддаги кабель ва радиорелей алоқа бошқармасининг инженери Геннадий Косминин ва радиорелей станция техниги Пўлат Тошбоев Қорақумдаги станцияда монтаж қилиш учун телевизион аппаратурани тайёрламоқдалар.

Н. Ключев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

АХЛОҚ-ОДОБ МАВЗУИДА

Совет Ўзбекистони — ГАЗЕТХОНЛАР ДАВРАСИДА

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

Ўтган йилнинг кузи эди. Химия-биология ўқитувчиси Мўминжон Йўлдошев қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Уни район касалхонасига ётқизишди. Врачлар, бемор анча вақт ётиб даволанса керак, деб тахмин қилишди.

Дўст бошингга ташвиш тушганда билинади, дейди халқимиз. Мўминжоннинг ҳамкасб дўстлари, яқинлари унинг саломатлиги учун жуда ташвишланишди. Мўминжон ишлаган мактабнинг ўқитувчилари Абдураҳим Мўминов, Рустам Шерматов, Нажия Ҳарисова, район халқ маорифи бўлимининг мудири Мўмин Мирзаев, инспектор Тўхтасин Ботиров, «Пахтакор» колхозининг бош агрономи Ораз-қул Зокиров, партия ташкилотининг секретари Мўмин Саидов ва бошқалар ҳол-аҳвол сўраш ва суҳбатлашиш учун борганларида беморнинг руҳи нўтарилар ва ўзини анча соғайган ҳис этарди.

Мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Турғунбой Рустамов бемор Мўминжоннинг уйига бир машина кўмир эltиб берди. 10-синф ўқувчиларидан Муҳиддин Бобожонов, Мамасоли Фозилов, Исоқ Муталибов, Жалил Тўхтабоев, Абдумажид Абдуҳакимовлар ҳовлидаги анор нўчатларини нўмиб бердилар.

Кекса пенсионер ўқитувчи Абдулла Бекбўтаев беморнинг ҳовлисидаги токларни хомток қилишга ёрдамлашди. 9-синф ўқувчиларидан Ғулом Жабборов, Иброҳим Эсонбоев, Камол Сотиболдиевлар колхоз ажратган ғўзапояни тўплаб, унинг уйига келтириб беришди. Ҳозир Мўминжон ўзининг ҳамкасблари билан бирга ёшларга билим ва тарбия берябти. Ёшларни меҳнатсевар, олижаноб, ватанпарвар кишилар қилиб тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

Қ. ТЕШАБОЕВ,

Андижон область, Ленин райони, 16-мактаб.

АМАЛПАРАСТ

(БИР ХАТГА ЖАВОБ)

«Мен Улуғ Ватан урушида қатнашиб, оғир ярадор бўлдим, оёқсиз қолдим. Биринчи группа инвалидиман. Давлатдан пенсия оламан, ҳукуматимиз ва халқимиз гамхўрлигидан баҳрамандман. Лекин яқинда юз берган бир воқеадан кейин жуда хафа бўлдим. Хивадан Урганчга зарур иш билан йўлга чиққан эдим. Автобус тиқилинч экан. Тик турган йўловчилар ҳам бор эди. Хизматдагилар учун белгиланган ўринда ўтирган йигит одамгарчилик қилди, менга ўрнини берди. Унга раҳмат айтиб ўтирдим. Шу пайтда қирчиллама бир йигит автобусга чиқди. Шофер менга ўрнимни шу йигитга бўшатиб беришни таклиф этди. Эътироз билдирган эдим, автобусдан тушириб юборишга урилди. Ҳалиги йигитнинг кимлигини суриштирсам, жамоатчи контролёр экан. У ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, ўрнимга ўтириб олди. Мен эса оёқсиз бўлсам ҳам Урганчгача тиика туриб келдим.

Ҳурматли редакция! Жамоатчи контролёрларнинг бу иши инсофданми? Ҳуқуқни пеш қилиб, одамийликдан қўл силташ мумкин эмас-ку! Мени ранжитган жамоатчи контролёрга шуни тушунтириб қўйсангиз.

Отабой ЭШЧОНОВ,

Хива шаҳри.

* * *

Ҳурматли Отабой ака!

Автобусдаги воқеа сизни ҳақли равишда қаттиқ ранжитибди. Тани-жони соғ одам «жамоатчи контролёрман» деб наҳотки бундай тошюраклик қилса?! Оёғидан ажралган майиб кишини жойидан кўзгаб, унинг ўрнида «ҳузурланиб» ўтирган бемеҳр йигит ким экан?

Шу андиша билан Хоразм область автомобиль трестига бориб, ҳалиги жамоатчи контролёрни суриштирдим. Сизни ранжитган киши трестнинг ишлаб чиқаришт-техника бўлими бошлиғи Георгий Ананович Николаев экан.

79-автобазага қарашли «ХЭА-77-78» рақамли автобуснинг шофери Шариф Бенчоновнинг қисташи билан ўринингизни трест ходими Г. А. Николаевга бўшатиб бериб сиз.

Николаев ҳақиқатан ҳам амалини пеш қилган. Ҳуқуқидан фойдаланиб, оёғингиз майиб бўлса ҳам сизнинг ўрнингизни эгаллаган.

Г. А. Николаев 43 ёшда. Трестда масъул лавозимдан бирида ишлаяпти. Коммунист. У биз билан суҳбатда ўзининг саломатлигидан нолиди, автобусда тик тура олмаслигини, айни пайтда инвалид кишининг дилини ғаш қилганлиги учун ачинганини айтди.

Юқорида зикр қилинган воқеа тўғрисида газетада ёзмаслик ҳам мумкин эди. Мансаби ва ҳуқуқига маҳлиё бўлиб, баъзи ҳолларда одамгарчилик, иззат-икром ва одоб билан ҳисоблашмайдиган айрим кишиларга ибрат бўлсин деган ниятда бу воқеа тафсилотини газетхонларга ҳикоя қилиб бердим.

Ф. ЗОҲИДОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОММУНИСТ МАКТУБИ

КАРВОНБОШИ БЎЛАЙЛИК

Панжи РАҲМОНОВ,

Жарқўрғон районидаги «Меҳнат—роҳат» колхозининг бригада бошлиғи.

□ □

Буюк сана, улуғ тўй арафасида турибмиз. Тўйга тортиқ билан бориш халқимизнинг удуми, азалий урф-одати. Тўйга муносиб совға, арзийдиган туҳфа ҳозирлаб, иззат-икром билан катта давранинг тўрига ўтган қайда-ю, ҳаммадан орқада қолиб, ҳижолат тортиб, ер чизиб ўтирган қайда. Ҳа, азаматлар бебурд бўлмаслиги, сўзларининг устидан чиқишлари, қутлуғ кунга кўркак кериб боришлари ҳам фарз, ҳам қарз. Юбилей йилида, даставвал, шонимиз бўлган пахта, шунингдек бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш керак. Ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг бурчи бу. Ахир, ўзбекни ўзбек қилган, улуғлаган, унинг ифтихори ғуруни шу «оқ олтин»ику. Халқимизнинг турмушини фаровон ва ҳаётини маъмур қилишда, касби-корини қадрлашда пахтамизнинг тутган ўрни бениҳоя.

Шундай экан биз ҳурмат ва иззатимизга яраша бўлмоғимиз, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, жон фидо қилиб ишламоғимиз, ғалвир сувдан кўтарилганда ерга қараб қолмаслигимиз зарур. Бунинг учун меҳнат қилиш, чинакам ғайрат кўрсатиш даркор. Чунки, мўл ҳосилнинг гарови меҳнатдир.

Мен шу йил февраль ойида бўлиб ўтган область қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ходимларининг кенгашида қатнашган эдим. Кенгаш қитирокчилари юбилей йилида она—Ватанга 320 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ўшанда мен ўйланиб қолдим. Хўш, бу улкан хирмонга бригадамиз аъзолари қандай ҳисса қўшади деган фикр тугулди миямда. Областимиз пахтакорлари олган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар бир колхоз, совхоз ва бригада коллективи етиштирадиган ҳосилнинг миқдорига боғлиқ. Мен шу ҳақда ўйладим.

Ҳаммадан муҳими шундаки, биз камбағал деҳқон фарзандлари Улуғ Октябрь туфайли бахтли бўлдик, роҳат кўрдик, одам бўлиб, элга қўшилдик. Мен ўзим бир оддий чорикор, қашшоқ деҳқоннинг ўғли эдим. Совет ҳокимияти йилларида ўстим, улғайдим, илм олдим. Аввал колхозда идора ходими бўлиб ишлай бошладим. Аммо бу вазифа мени қаноатлантирмади. Қалб амри билан молдий бойликлар яратиладиган жойга, далачилик бригадасига ишга ўтдим. Мана, бир неча йилдан бери пахтачилик бригадасига раҳбарлик қиламан.

Пахтачилик илмини, фан эришган муваффақиятлар ва илғорлар тажрибасини қунт билан ўргандим, янгиликни, илғор усулларни кенг жорий этишга ҳаракат қилдим. Ҳосил тақдири асосан механизаторларга, сувчиларга боғлиқ эканлигини билиб олдим. Бригадамиздаги катталар ва кичик, ёшу қари — ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдик. Ишимиз йил сайин баракали, ҳосилимиз мўл бўлди. Маҳсулот таннархини тобора арзонлаштиришга эришдик. 1965 йилдаёқ 40 центнерли маррадан ўзиб кетдик, гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» кўтардик. Бинобарин бригадамиз аъзоларининг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб борди, уларнинг ишга бўлган қизиқиши янада кучайди.

Колхозимизда юқори ҳосил усталари кўп. Гектаридан 35 центнердан кам ҳосил олаётган бригада қолмади. Ўтган йили хўжалигимиз бўйича 2300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,8 центнердан ҳосил етиштирилди. Бригадамиз аъзолари эса 106 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан ингичка толали пахта теріб олдилар. Колхозда бир центнер пахтанинг таннархи қариб 28 сўмни ташкил этган бўлса, бригадамизда 18 сўмга тўғри келди.

Бултур 215 минг сўм даромад қилдик. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ўрта ҳисобда ойига 153 сўмдан ҳақ олди. Тракторчилардан Абдураҳмон Олломуродов, Қўлоб Муҳаммадиев, Мирза Жавлиев ўртоқлар эса ойига ўртача 220 сўмдан иш ҳақи олдилар.

Қутлуғ йил бошида бригадамиз аъзолари билан обдон маслаҳат қилдик. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйига гектаридан 50 центнердан ингичка толали пахта бериш учун қаттиқ бел боғлаганликларини айтдилар. Бригадамиз коммунистлари Соҳибжамол Мамараҳмова Мамат Холмуродов, Эриш Раҳимова, Даврон Абдураҳмонов, Жарқин Рўзиева, Неъмат Қурбоновлар ҳамма ишга бош-қош бўляптилар, ўзлари ташаббус кўрсатиб ишлаяптилар.

Яқинда бир ерга тўпланиб, яна маслаҳатлашдик. Бригада коммунистлари, ҳар бир аъзоси ўз зиммасига конкрет мажбурият олишди, юбилейга шахсий совға тайёрлаш ҳақида ваъда беришди. Ғўза парваришини намунали ўтказиб, экинни тез ҳосилга киритиш ва кўсакнинг эрта очилишини таъминлаб пахта тайёрлаш йиллик планини ва мажбуриятни юбилей кунигача бажариш, бир центнер пахтанинг таннархини бултургига нисбатан камида 3 сўм арзонлаштириш ҳисобига юбилей йили жамғарма фондига 16 минг сўм қўшишга аҳд қилинди. Бизга эргашаётган М. Хуррамова, С. Усмонжонова, Х. Хушназаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш режаларини белгиладилар.

Ортиқча харажатларга кескин қарши курашишни бурчим деб биламан. Колхозимиздаги майдонларнинг атиги учдан бирига чигит квадрат-уялаб экилмоқда. Бу оқилона ишми? Йўқ, албатта. Мана, ҳисоблаб кўринг: тўғри қаторлаб экканда ҳар гектар ерга 140-160 килограмм чигит сарфланади. Квадрат-уялаб экканда эса кўпи билан 30 килограмм чигит кетади. Бир тонна чигит учун давлатга 122 сўм тўланади. Квадрат-уялаб экканда гектар бошига 15-16 сўм тежаб қолинади.

Биз бунн ҳисобга олиб, ҳамма майдонларимизга чигитни квадрат-уялаб экдик. Бу усул яна ғўза парваришн даврида кўл меҳнатини кам сарфлаш, экинни икки томонлама культивация қилиш имконини беради, яганаладиа харажатнинг икки баравар камайишига олиб келади. Кўриб турибсизки, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун кураш чигит ерга қадалган кунданоқ бошланади.

Ғўза парвариши ҳақида ҳам бир-икки оғиз гапим бор. Кўпгина механизаторлар мавсумда 1000 гектар ердаги экинни парвариш қилиш мажбуриятини оладилар, ғўзани 8-9, ҳатто 10-12 марта культивация қиладилар. Бу тўғрими? Нотўғри, албатта. Ортиқча культивация тупроқнинг намини қочириб, ширадорлигини йўқотади, маҳсулот таннархини қимматлаштиради. Менинг фикримча, мўл ҳосил етиштириш учун ғўзани узунасига ва кўндалангига 4-5 марта культивация қилиш кифоя қилади. Бу фикрга ҳар бир тажрибакор деҳқон қўшилади деб ўйлайман.

Бригадирлик масъулиятли вазифа. Бригадирдан кўп нарса талаб этилади. У янгиликни тез ҳис этадиган, уни дарҳол ёядиган, изланадиган, эски билими билан қаноатланиб қолмайдиган бўлиши керак. Ернинг тилини билмай, тупроқнинг химиявий составини аниқламай туриб, юқори ҳосил етиштириш ҳақида ўйлаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз, аввало, еримизнинг агрохимия картасини тузиб олдик. Ана шу «ер китоби» асосида бригадага биркитилган участкада тупроқ таркибидаги фосфорнинг миқдори аниқланди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар ернинг талабига асосланиб солинмоқда. Суғориш ишларида ҳам ернинг шароитига қатъий амал қилинмоқда.

Одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш бригадирнинг муқаддас бурчидир. Биз бу муҳим ишни ҳамиша диққат марказида тутамиз. Дала шийпонимизда ҳамма нарса муҳайё: иссиқ овқат ташкил этилган, самовар ҳамиша қайнаб туради. Болали аёллар учун боғча ва ясли ташкил қилинган. Далада ишлаётган кишилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилса меҳнат кўнгилли, иш баракали бўлади.

Элимизда авжи баҳор палласи. Умид билан ерга қадаган чигитларимиз униб чиқа бошлади. Сурхондарё областида байроқдор бўлиб бораётган бизнинг қишлоқ хўжалик артелимиз меҳнаткашлари юбилей йилнда 2300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» олиш ва она-Ватан омборига тўкиш ҳақида сўз беришган. Бригадамиз аъзолари коммунистчасига ишлаб, умумхалқ хирмонига баракали ҳисса қўшиш учун фидокорона меҳнат қиладилар. Биз гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш ҳақидаги ваъдамизнинг устидан чиқиш учун бутун куч ва ғайратимизни сарфлаймиз. Мардимайдонлар маъракасига карвонбошилардан бири бўлиб борамиз.

БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«Юлғичлар»

«Совет Узбекистони» газетасининг шу йил 18 март сонида босилган «Юлғичлар» сарлавҳали фельетонда Андижон таксомотор паркига қарашли автобуслар ва енгил машиналарнинг айрим шофёрлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш вақтида улар билан қўпол муомилада бўлаётгани, йўлкирани ортиқ олаётгани каби камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди. Шу муносабат билан таксомотор парки маъмуриятидан олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда фельетонда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Енгил такси машиналарининг шофёрлари Рўзиев, Усмонов, Асқаров ва бошқа ўртоқларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари парк коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, уларга қаттиқ маъмурий чора кўрилди. Шофёрлар орасида оммавий-тарбиявий ишларни кучайтириш, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

«Таомлар ширин, мазали бўлсин»

Шу сарлавҳали бош мақолада («Совет Узбекистони», 1967 йил 31 март сони) Бухоро шаҳар ошхоналар трестига қарашли умумий овқатланиш корхоналарида хўрандалар учун ширин, мазали таомлар тайёрлашга эътибор берилмаётгани, ошхоналар ифлослиги танқид қилинган эди.

— Бош мақолада, — дейилади шаҳар партия комитетининг секретари Ж. Олимов имзоси билан олинган жавоб хатида, — келтирилган фактлар бюро мажлисида муҳокама қилиниб, тўғри деб топилди. Умумовқатланиш корхоналарига малакали раҳбарлик қилолмаган кишиларга қаттиқ чора кўрилди. Ошхоналар, қизил чойхоналарни меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқариш жойига айлантириш тадбирлари белгиланди. Шаҳар партия комитетининг бюроси ошхоналар трести раҳбарларининг умумовқатланиш корхоналари ишини яхшилаш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

БАЙРАМГА ТУҲФА

БЕРУНИЙ («Совет Узбекистони» мухбири). Район чорвадорлари 1 Май байрамига муносиб туҳфа билан келдилар. Улар давлатга пландаги 359 тонна ўрнига 387 тонна гўшт сотиб, байрам арафасида ярим йиллик топшириқни 107 процент адо этдилар.

ЧАНДИР ЧЎЛИДА

Тожибой кўпни кўрган. Ёш бўлса ҳам қанчадан-қанча чўлу саҳроларни, тоғу тошларни кезган. Ер ости бойликларини инсонга хизмат килдириш учун курашда толиқмайди.

Одамлар геологлар билан учрашганда ҳамиша бир савол билан мурожаат килишади: «Сиз қандай коч топгансиз?» Биз Тожибой билан учрашганимизда ҳам шу саволни бердик. Унинг ёнидаги ҳамроҳлари — техник В. Набойшчиков, геология партиясининг бўлим бошлиғи Н. Зеленин ўртоқлар Тожибойнинг мақтовини қилиб кетишди.

У Андижондаги Хўжаобод районидан. Бундан 11 йил аввал Қўқондаги нефтчилар техникумнга кирди ва тўрт йилдан сўнг уни муваффақият билан тамомлаб чиқди. Камтарин, меҳнатсевар, ташаббускор Тожибой ҳозирги кунда «Каршинефтеразведка» трести пармаловчилар бригадасига бошчилик қилмоқда. У раҳбарлик қилаётган пармаловчилар коллективи йил сайин меҳнатда янги зафарларга эришмоқда.

Трестда пармаловчилар ҳақида гап кетганда, дарҳол шу коллектив тилга олинади. Тожибой Дадахўжаев бригадаси пармалаш таннархини арзонлаштириш, барча қудуқларнинг маҳсуллор бўлиши учун курашиб ишлаб чиқаришда қувончли натижаларга эришаётир. Шу кунларда пармаловчилар коллективи смена топшириқларини 140-145 процент адо этиб, Улуғ Октябрнинг муборак 50 йиллик юбилейига арзигулик меҳнат совғалари тайёрлашяпти.

Ҳозирги кунда пармаловчилар коллективи Қашқа воҳасининг жанубий Чандир майдонида иш олиб бормоқдалар. Чандир чўлини ўрганиш, унинг структурасини аниқлаш анча мураккаб. Тожибойнинг ҳикоя қилишича, 300 метр пармалангандан сўнг кўчма қум қатлами чиқиб қолди. Махсус реагентлардан фойдаланиш натижасида бу қийинчилик дарҳол бартараф қилинди.

Шу оддий йигит Қултоғ, Одамтош, Помуқда катта газ запасларини топишда актив қатнашди. Бундан 4-5 йил аввал худди шу участкаларга Тожибой Дадахўжаев бошлиқ пармаловчилар биринчи марта қадам босган эдилар. Шунда улар кўпгина қийинчиликларни енгиб ўтишди. Чўл бўронлари, қум кўчишларини писанд қилишмади. Охири мақсадларига етишди: кон топишди. Юзлари ёруғ бўлиб янги участкага ўтишди.

Ўшандан буён Чандир чўлини кезишади. Пармаловчилар юбилей йилида 8165 метр ўрнига 9000 метрдан эшёд қудуқ пармалаш учун курашмоқдалар. Шу билан бирга цемент, электр энергияси ва бошқа материалларни тежаш ҳисобига 50 минг сўм иқтисод қилиш ҳаракатидалар.

Улар асрлар оша мудраб ётган, шамол ва бўронлар макони бўлган чўлни забт этмоқдалар, чўл бағридан ерости бойликларини қазиб чиқариш йўлини очаётирлар.

Р. УРОҚОВ,

Қашқадарё области, Чандир чўли.

НАҚҚОШ

Қадимий Хивада халқ меъморчилигининг ажойиб намуналари кўп. Миноралар ва гумбазларнинг кошинлари, металл ва тошга, ёғоч ва ганчга ўйиб ёзилган дастхатлар, шеър ва рубоийлар, пештоқларнинг чиройли нақшлари томошабинларни мафтун этади.

Тарихий ёдгорликларни ардоқлаб, боболаримиз анъаналарини давом эттираётган, халқ санъатини янги мазмун билан бойитаётган табаррук кишиларни кўрганимизда, В. И. Ленининнинг Клара Цеткин билан суҳбатда айтган сўзлари эсга тушади: «Гўзалликни сақлаб қолиш керак, башарти у «эскирган» бўлса, уни намуна учун қабул қилиш лозим» — деган эди доҳий.

Қадимий Хоразмда наққошлик билан шуҳрат қозонган кўпгина халқ усталари борки, улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ота Полвонов ўзбек наққошлик санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган халқ наққошларидан, у ҳозир юз ёшда. Ўзининг эслашича, ёғочга нақш ўйишда, отасига ёрдам бера бошлаганида у энди ўн ёшда экан. Демак, отанинг ижодий фаолиятига тўқсон йил тўлибди.

Хивадаги мадрасалар ва мақбараларнинг эшик, дарвоза ва устунларига ота-бола Полвоновлар гўзал, нафис нақшлар ўйиб, халқимизнинг таҳсинига сазовор бўлганлар. Ота Полвоновнинг ижоди айниқса Улуғ Октябрь революциясидан кейин равнақ топди ва камолотга етди. Тарихий обидаларни тиклаш, кўҳна арк биносининг шиплари ва устунларини, ҳозирги тарих-революция музейи залларини илгариги ҳолига келтиришда халқ наққошининг таланти ёрқин намоён бўлди.

1937 йилда Париж шаҳрида ўтказилган халқаро санъат виставкасида хоразмлик наққош ижоди юксак баҳоланди. Ота Полвонов СССР Давлат мукофотининг лауреати Абдулла Болтаев лойиҳаси асосида устунга ўйган нақши учун биринчи даражали диплом билан тақдирланди. (Ўша устун ва эшик Тошкентдаги Ўзбекистон санъат музейида сақланмоқда).

Ота Полвоновнинг Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театри Хива зали эшикларига ўйиб солган нақшлари, шунингдек, Москвадаги А. С. Пушкин номли Тасвирий санъат музейи, Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейи ва Хоразм тарих-революция музейида сақланаётган нақшин устун, дарвоза, эшик ва сандиқчалар барчанинг диққат-эътиборига сазовор бўляпти.

Ота халқ бардами. Уни шогирдлар даврасида, Хива шаҳар Пионерлар уйи қошидаги наққошлик тўгараги қатнашчилари орасида тез-тез учратасиз. Давлатдан пенсия олиб, бахтли кексалик гаштини сурмоқда.

Умрининг иккинчи асрига қадам қўйган табаррук отахонга сиҳат-саломатлик, тетиклик тилаймиз.

Ю. РЎЗИМАТОВ,
Хоразм тарих-революция музейининг илмий ходими.

Суратларда сиз ажойиб наққош Ота Полвонов ва у ясаган гўзал ўйма нақшларни кўриб турибсиз.
Н. Ключнев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧИМБОЙОБОДДА

Каттақўрғон томон йўл олган киши албатта Чимбойободга тушмай ўтмайди. Биз ҳам яқинда Каттақўрғонга кела туриб, Чимбойободга бурилдик. Ҳамроҳимиз йўл-йўлакай Чимбойободнинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги ҳақида ҳикоя қилиб борди.

Колхоз қишлоғига етгач, биз даставвал Чимбойобод қишлоқ Советининг раиси Хўжаниёз ака Суюновга дуч келдик. Суҳбат давомида у Турсунмурод Умаров деган киши номини ҳурмат, мамнуният билан тилга олди:

Турсунмурод ариғи

1955 йил. Турсунмурод ака Умаров Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишларди. У вақт Чимбойободда бир неча кичик-кичик хўжаликлар бўлиб, улар чорвачилик, галлачилик билан шуғулланар эди.

Секретарь бир куни бафуржа келиб, шу ернинг кишилари билан суҳбатлашади, хонадонларда бўлади, ер шароитлари, имкониятлари билан танишади. Ниҳоят, шу хўжаликларнинг раҳбарлари ва кексаларини бир ерга йиғиб, ўз фикрини ўртага ташлайди:

— Мен, ариқ қазиб, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоздан сув олиб келиб, бу ерда пахта етиштирсак, деган фикрга келдим. Сизлар нима дейсизлар?

Даврада жонланиш пайдо бўлди. Тўрда ўтирган бир мўйсафид:

— Секретарь ўғлим, фикрингиз жуда тўғри, буни биз кўпдан буён орзу қилиб юрардик, — деди қаяжон билан.

Мўйсафиднинг гапига бошқалар ҳам қўшилишди.

Ариқ қазилди, унга Турсунмурод ариғи деб ном қўйишди. Бўз ер баррига сув келди. Дастлабки йили 100 гектар ерга чигит қадалди. Ҳар гектардан 15 центнердан ҳосил кўтарилди. Йиллар кетидан йиллар ўта борди. Эндиликда хўжалик Зарафшон водийсининг энг йирик пахтакор колхозларидан бирига айланди. Ўтган йили колхоз 1750 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олди.

Турсунмурод ариғи бўз ер бағрини тобора яшнатмоқда. Чимбойободликлар Турсунмурод ака Умаровни ҳали-ҳали эсдан чиқаришмайди. «Яхшидан ном қолади» деганлари шу-да.

Уддабурон келин

Мукаррама билан Сайимжон Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бирга ўқиб юрган кезларида танишишди. Бу танишишлик дўстликка, дўстлик эса меҳр-муҳаббатга уланди. Ниҳоят улар бир ёстиққа бош қўйишди. Мукаррама чимбойободликларга келин бўлди. Уқишни битириб, тўғри колхозга келди. Колхоз правлениеси уни пилла бригадири қилиб тайинлади. Колхоз шу йили пилладан мўл ҳосил етиштириб, план ошириб бажарилди. Мукарраманинг номи тилдан тушмайдиган бўлиб қолди. Ўтган йили уни пахтачилик бригадасига бошлиқ қилиб белгилашди. У дадил ишга киришиб кетди. Билимини ишга солди, илғор тажрибаларни ўрганди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ёш бригадирга яқиндан ёрдам бериб борди, чиниқтирди. Айрим кишилар «нима бўларкин» деган ўйда ҳам юришди. Мукаррамани иши ёмон бўлмади, келин уддабурон чиқди. Унинг бригадаси 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан пахта олди, ёки ҳосилдорлик бир йилда 10 центнер кўпайтирилди.

Колхоз меҳнаткашлари Мукаррамадан ғоят хурсанд бўлишиб, уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди.

Ҳозир депутат ўртоқ М. Абдураҳмонова бошлиқ бригадада иш ҳар қачонгидан ҳам яхши боряпти. Чигит экиш колхозда биринчи бўлиб тугалланди. Бригада бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқда.

Ишонч

Тожикистон ССР Ғарм районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари билан Ўзбекистон ССРнинг Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари бошлаган социалистик мусобақа чимбойободликларни ҳам бениҳоя руҳлантириб юборди. Бучи колхоз раиси Раҳмон Номозовнинг гапларидан ҳам билиб олиш мумкин.

— Қон-қариндошлик, дўстлик аслда меҳнат орқали бунёдга келади, — дейди у. — Бунга иккаси хўжаликнинг ўзаро мусобақаси айнан мисол бўлади. Биз барча режаларимизни қайтадан кўриб чиқдик. 1750 гектар пахта майдонимиз бор. Бунинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олиш ҳақида мажбурият қабул қилган эдик. Энди 40 центнерга аҳд қилдик. Бунга бизда барча имконият бор.

Ҳозир колхознинг каттаданкичиги ана шу катта мақсад — 40 центнер йўлида меҳнат қилишяпти.

Марду майдонларнинг сўзи ҳеч вақт икки бўлмайди. Бир сўз айтдими, албатта уни амалда исботлайди. Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» колхозининг кишилари ҳам худди ана шундай марду-майдонлар тонфасидаги фидоқор, меҳнаткаш кишилардир.

Л. ЭРГАШЕВ,
Т. РЎЗИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

ТОШБАҚАЛАР ҲУЖУМИ

ГУЛИСТОН, 27 апрель. (ЎзТАГ). Миллионлаб тошбақалар ғаласи Ўзбекистоннинг ғарбидаги — йирик қишлоқ хўжалик воҳасига — Мирзачўл пахтазорларига ҳужум қилдилар.

350 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилганлиги натижасида даштдаги тошбақалар одатдаги ўтлоқлардан маҳрум бўлиб қолди. Қишки уйқудан кейин ўз инларидан чиққан бу тошбақалар ғўзаларнинг кўм-кўк ниҳоллари билан озиқлана бошладилар. Тошбақалар бахорда еб тўймас бўладилар: ўнлаб ана шундай ўрмаловчилар бир кечаю кундузда бутун бир гектар экинзорни қуритадилар ёки пайҳон қиладилар.

Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар бу мечкай зарракунандалардан эҳтиёт қилиш учун ҳар куни далаларда юз мингларча тошбақани тутиб, қизилқумга олиб бориб ташламоқдалар.

ОРИЯТ

Езувчи Суннатулло Анорбоев «Чумчуқ сўйса ҳам...» деган комедия ёзди. Автор пьесада софдил кишиларни улуғлайди, қўлидан келмайдиган ишга уриниб, ҳам давлатга, ҳам ўзига зиён етказувчилардан эса аччиқ кулади. Қуйида шу асардан парча босамиз.

Карим ямоқ: Ҳа, нега шошиб қолдингиз?

Қобилов: Эрмат Эргаш келяпти.

Карим ямоқ: Ҳа, собиқ ҳамкасабангиз. Ўтиринг, ҳасратлашасиз. (Қобилов ноилож ўтиради. Успирин, қўлтиғида расм чизадиган альбоми, Карим ямоқ билан хайрлашгани келади).

Карим ямоқ: (Унинг альбомига бир назар ташлаб қўйиб). Ўтир.

Успирин: Борай.

Карим ямоқ: Ишинг ўнгидан келди, акаси. Ана, яна биттаси келяпти.

Успирин: Собиқларданми?

Карим ямоқ: Ҳа, аммо лекин сендайлигида...

Успирин: Мендайлигидами?

Карим ямоқ: (Унга бошидан оёғигача бир чамалаб қараб). Сендан тикроқ пайтида экан, кўзидан ўт, товонидан чақмоқ чақиарди.

Успирин: Аҳ-ҳа?!

Карим ямоқ: Ҳа, сиалар билмайсизлар. У катта одам бўлиб кетарди.

Успирин: (Карим ямоқ қараган томонга боқиб). Ҳалиям каттали-ги сиздан кам эмас. Бўйи-басти...

Карим ямоқ: Хе, бўйини айтаётганим йўқ. Унга бўйдан берган худо. Аммо...

Успирин: Тушундим. Нима, каттакон бўлолмадими?

Карим ямоқ: Қўл қўйишни ўрганди-ю, «Менга шу илмим етади»,— деб юраверди. Мана, охири... ҳў-ҳўв, келсинлар! (Успирин Эрмат Эргаш кўринши ҳамон бош ирғаб салом беради-да, ўз жойига кетади). Бормилар оламда, начайлик? (Сўрашади).

Эрмат Эргаш: Областга боруврдим.

Карим ямоқ: Ариза кўтарибми?

Эрмат Эргаш: Натижасини эшитгани.

Карим ямоқ: Нима дейишди?

Эрмат Эргаш: Хе-е! (Асабий қўл силтайди).

Карим ямоқ: Ҳа!

Эрмат Эргаш: Нима дерди ўша болалар! (Сўрига бурилиб ўтириб олади).

Карим ямоқ: (Чой дамлаб келиб, ёнига ўтиради. Пиёлага чой қуйиб узатади). Ўтган сафаргидай: «Шикоятдаги фактлар тасдиқланмади»,— дейишгандир-да?

Эрмат Эргаш: Шуниси алам қилади! Мен кетганимдан бери қанча директор алмашди? Анави шалдироқ арава кетдими-кетди. Анави латта чайнар (Карим ямоқ Қобилов ўтирган томонга «шу ерда» дегандай ямо қилади. Гапида давом этади) кетдими-кетди.

Қобилов: (Тўнғиллайди) Деса дер, ўзига қийин. Бир кун тилидан илинади.

Эрмат Эргаш: Энди анави тухумдан яқинда ёриб чиққан жўжа хўрозни қўнқайтириб қўйилибди. Раҳбарлик ишларида суяги қотган...

Карим ямоқ: (Кинои билан). Сенга ўхшаган.

Эрмат Эргаш: Менга ўхшаганми, сенга ўхшаганми, ҳар ҳолда идоранинг жиловини тута биладиган қаттиққўл одам керак.

Ўзинг инсоф билан қара: шаҳар раҳбарларининг шу ишлари тўғримі?

Карим ямоқ: (Мийнигида кулиб). «Софдил одамларга туҳмат қилманг дейишгандир-да?»

Эрмат Эргаш: (четга қараб тўнғиллайди) Софдил одамлар эмиш! Бирининг тили бир...

Карим ямоқ: Эски тезоблигинг қолмаганда, начайлик. Биламан «Менга ақл ўргатманг, йиғитча!» — деб бакириб бергансан.

Эрмат Эргаш: Айтмай қўрқаманми? Айтдим! Мен билан сен шўролар учун қилич чопиб, ёт унсурлар билан олишиб юрганимизда у ҳали онасининг қорнида ҳам йўқ эди!

Карим ямоқ: Одамни хижолатга қолдирасан-да, начайлик. Кўкракка уриб миннат қилишинг нима кераги бор.

Эрмат Эргаш: Ҳе-е, куйиб кетар экансан киши! Муштумдай-муштумдай қаёқдаги болалар ақл ўргатишади!

Карим ямоқ: У ўртоқ: «Сиздай қўлда қурол билан қурашмаса ҳам ҳали-қудрат, ўз меҳнати билан халққа нафи тегаётганларга халақит бераверманг», дегандирда!

Эрмат Эргаш: Айтдим-ку, бирининг тили бир дебі Бу ерда ҳам шундай дейишади. Тўтиқушдай такрорлашади. Бюрократлар! Барибир қўймайман. Устларидан арз қиламан. Марказкомгача бораман!

Карим ямоқ: У ерда ҳам шундай дейишади.

Эрмат Эргаш: Сен ямоқ қаёқдан била қолдинг?

Карим ямоқ: Ҳай, хоҳ соч кўй, хоҳ олдир ўша бошинг—бош. Бир фикрни юз ҳил айт, лекин мазмуни ўша-ўша. Тўғри қилишибди.

Эрмат Эргаш: Нима, нима! Ҳали уларнинг тўғри бўлди-ю, бизникі эгрими!

Карим ямоқ: Эгри.

Эрмат Эргаш: (Сапчиб тушади). Дўст бўлатурибі..

Карим ямоқ: Чин дўстнинг маслаҳати, начайлик: ке, шу ёзди-ёзларингни тўхтат!

Эрмат Эргаш: Душманнинг гапини айтяпсан-а?

Карим ямоқ: Айт-чи, шу ариза-бозлик билан нимага эришмоқчисан!

Эрмат Эргаш: Қирқ йил қизил ҳужжатни сандиқда сақласам-у!..

Карим ямоқ: Ҳа-а, ана! Кўкракда рақлаш керак эди.

Эрмат Эргаш: Шу вақтгача кеиб итнинг кейнини ёғи бўлиб қолиб кетавераманми!

Карим ямоқ: Жу-да таъмагир бўлибсан-да, ўзинг ҳам.

Эрмат Эргаш: Нима?

Карим ямоқ: Колиб кетган бўлсанг айб ўзингда.

Эрмат Эргаш: Ҳай ямоқ! Бирор марта мушугингни пишт деганимдим!

Карим ямоқ: Эсимда йўқ.

Эрмат Эргаш: Қилган яхшиликларим ҳам эсингдан чиқибди-да? Энди бўлса нуқул «Ўзингда айб», — дейсан.

Карим ямоқ: Ҳо... о...! Қани, айт-чи, қайси яхшилигингни юзим га солипсан.

Эрмат Эргаш: Фронтдан қайтганингда кўргани кирганларнинг олдига тўртта нон тоиб қўймагансан-а! Биласанми?

Карим ямоқ: Биламан.

Эрмат Эргаш: Ўшанда жонингга оро кирган ким эди? Бунням биласанми?

Карим ямоқ: Биламан! Лекин сен яхши билганингда шу ҳамиятнгни илгарироқ қилардинг. «Карим ямоқ ўзи фронтда. Болачақасининг ҳоли не кечди»,— деб хабар олган бўлардинг.

Эрмат Эргаш: Елкамда бутун районнинг ташвиши, бош қашишга вақт йўқ эди. Бир оз кеч бўлса-да, бирининг ҳиссасини чиқариб юбордимми-йўқми? Қани, ўзинг инсоф билан айт-чи?

Карим ямоқ: Бу нима деганинг, начайлик, наҳотки раисликка тавсия қилганингни яхшилик деб билсанг?

Эрмат Эргаш: Анави ноинсофни қарангларі Нега яхшиликка ётмас экан?

Карим ямоқ: Яхшилигинг шу бўлса, ёмонлигинг қандоқ экан сенинг!

Эрмат Эргаш: Ҳе-ей! Кўр бўласан-а!

Карим ямоқ: Колхозга раис қилиб шарманда қилдинг-ку, мени! Халигача юзимнинг тафти босилмайди. Бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдим туғилган қишлоғимдан!

Эрмат Эргаш: Эпаолмаган бўлсанг мен айбдорми?

Карим ямоқ: «Бўлади. Эплайди. Фронтовик, Қаҳрамон»,— деб кистаб холи-жонимга қўймадинг-ку! Ҳа, урушда бўлган бўлсам полкка командирлик қилибманми? Шунчаки замбаракни гумбиратиб юрган солдат эдим. Бу ерда бўлсак, бутун бир колхозга бошлиқ қилиб савлатга чақнайтириб қўйдинглар. Билим, тажриба бўлмагандан кейин... Баридан кўпчилик билан муомала қилиш қийин экан.

Эрмат Эргаш: Ана, баҳзилар осон тутади.

Карим ямоқ: Кўпчилик пода эмаски, таёқ кўтарсанг йўлга тушиб юра колса!

Эрмат Эргаш: Таёқ кўтармай бошқариш йўлини ўргангин эди.

Карим ямоқ: Отангга раҳмат. Бу насиҳатнгни ўзингга қил. Сен билан биз от чоптириб юраверган эканмиз, етишганимиз шу деб.

Баландга чиқаришга чиқарданг-дар-ку, кўтар-кўтар билан. Аммо тушишда чўнқ юмаладимки, ҳали-ҳали дилим оғрийди.

Эрмат Эргаш: Гарданнинг синмабди. Шунтаям шукур қил.

Карим ямоқ: Лекин шу юмалаганимда миямга бир фикр келиб қолди.

Эрмат Эргаш: Қандай фикр у?

Карим ямоқ: Сенга ҳам фойдаси бор. Эшит: чумчуқ сўйса ҳам кассоб сўйсин экан! Ҳа, начайлик. Қўлдан келмайдиган ишга қўл уриб, шарманда бўлгандан ёмони йўқ экан оламда.

Эрмат Эргаш: Шундай шарафли ишдан воз кечиб қўлингдан келгани самоварчилик бўлдими? Тиштирногинг билан ёпишмайсанми!

Карим ямоқ: Йўқ. Қўлимдан келгани шу. Чойхўрлар ҳам мендан хурсанд. Шунинг ўзи менга катта обрў.

Эрмат Эргаш: Обрў эмиш! Сенинг ўрнингда мен бўлганимда марказгача ёзар эдим.

Қобилов: (Ўзича). Мен ҳам ёзсаммикин-а?

Эрмат Эргаш: Ҳа! Ёзардим. Яна бу иккі урушда қатнашган жанговар жангчи эмиш! (Кўкрагига ишора қилиб) Жангир-жунгирларингни тақ—кўрсатиб қўй уларга кимлигинги. Етиб қолгунча отиб қолмайсанми, валломат.

Қобилов: (Ўзича). Мен ҳам отиб қолсаммикин?

Карим ямоқ: Бекорга отадиган ўқим йўқ. Саноқлик.

Қобилов: (Ўзича). Борди-ю, ўқим мўлжалга тегмаса-чи? Тегади, деб ким тилхат бера олади?

Эрмат Эргаш: (Ўрнидан туриб кетиб). Суф сенга-е!

Қобилов: (Чўчиб юзини бекитади, ўзича). Тавба. Йўқ. қадамни ўлчаб босган маъқул, аста-аста...

Эрмат Эргаш: Мен бўлсам отаман. Охирги нафасимгача олишаман! (Ў асабий бир ҳолатда чиқиб кетади. Шовқини саҳна орқасидан ҳам анчагача эшитилиб туради). Обрў учун талаша билиш керак. Кимки талашмай ўз қўли билан топширибди у, аҳмоқ! Мен сандака эмасман. Талашаман!..

Қобилов: (Ўзича). Мен ҳам талашсаммикин-а? Ахир, гуноҳим нима? Юқорига вақтида докладной ёзиб турган бўлсам, ўзбошимчалик қилмасам, давлат пулини тежабтергаб асрасам... Тавба... (Елкасини қисади).

Карим ямоқ: (Эрмат кетган томонга қараб қолади). Саёзда, саёз. Саёз дарёнинг шовқини қаттиқ бўлади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎРГАНДИМ

Қалб чароғин ёндирмоқни ўргандим Навойдан,
Киприкка ёш индирмоқни ўргандим Навойдан,
Ҳаёт болин сипқармоқни ўргандим Навойдан,
Оқ-қорани ажратмоқни ўргандим Навойдан,
Улус учун қайғирмоқни ўргандим Навойдан.

Худди юлдуздек ғазаллар порлагай девонида,
Олам-олам дур йиғилмиш беш улуғ достонида,
Ушбу маъни гавҳарларин халқ асрайди жонида,
Бирга қадам ташлар шоир даврининг карвонида,
Нурли излар қолдирмоқни ўргандим Навойдан.

Жаҳон мулки латофатни нақш айлади авлодга,
Этди туҳфа адолатни Мажнун ила Фарҳодга,
Қаламини қилди шамшир Едгор каби жаллодга,
Жўр бўлди дил мазлум халқим чеккан алам-фарёдга,
Инсон кўнглин кўтармоқни ўргандим Навойдан.

Гўзалликнинг тимсолиму Ширин, Лайло, Дилором,
Бу фозила маҳбубалар қадрдонимиз мудом,
Беш юз йилким ошиб келар асрлардан «Ассалом!»
Вафодорлар, жасур қизлар, Сизга сақлар эҳтиром,
Ишқда висолу фироқни ўргандим Навойдан.

Зоҳидларнинг найсасига қалқон бўлди ғазали,
Бахтга ташна элимизга дармон бўлди ғазали,
Ер парисин кўрсатмоққа майдон бўлди ғазали,
Ишқ меваси шигил-шигил бўстон бўлди ғазали,
Дилни гулга ўрамоқни ўргандим Навойдан.

Қаламимни йўниб берган Алишердан қарзим бор,
Ўз эркимга қўйиб берган Алишердан қарзим бор,
Ғазалларим кўриб берган Алишердан қарзим бор,
Хазинасин бўлиб берган Алишердан қарзим бор,
Шеър — байроқни кўтармоқни ўргандим Навойдан.

Қандай шараф: мисраларга Ер меҳрини сингдирди,
Халқ ғамига дардкаш, камтар инсонлигин билдирди,
Елгиз ўзи зулм чинорин шохларини синдирди,
Маърифатдан ниҳол экиб, боғу-роғлар ундирди,
Тил гулзорин асрамоқни ўргандим Навойдан.

Ашъоримда садоқатли ёр — жононни мадҳ этгум,
Енгин дейди: энг аввало мен инсонни мадҳ этгум,
Умри қадар юртни севган паҳлавонни мадҳ этгум,
Бобо деҳқон мисол саҳий боғбонни мадҳ этгум,
Она тупроқни ўпмоқни ўргандим Навойдан.

Енгин МИРЗО.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

РАҲМАТ, ТИКУВЧИ ОПА!

Уйда ўтириш ёш келинчак Майнани зериктириб қўйди. У аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига борди. Тикувчилар Майнани илиқ кутиб олишди. Келинчак уйига яхши таассурот билан қайтди.

Кечки овқатдан сўнг Майна умр йўлдоши Саъдуллага сўз қотди:

— Мен ҳам ишлайман.

— Майли. Ахир, нима иш қилишинг мумкин? Рафиқасига савол назари билан қаради Саъдулла.

— Тикувчилик қиламан,— деди Майна. Сўнгра тикувчи хотин-қизлар билан учрашганини гапириб берди.

Мастер Зиёда Аминова уни шогирдликка олди. Унга тикувчилик «сир»ларини ўргата бошлади. Даставвал майда чокларни тикиб юрган ёш жувон бир ойдаёқ мастерлар қатори юмуш бажарадиган бўлиб қолди. Электр токи ёрдамида ишлайдиган мураккаб машиналар ўрнатилганида Майна биринчи бўлиб уларда ишлашга ўтди...

Коммунист Майна Абдуллаева тикувчилар сафининг кенгайиши учун доим қайғуради. У қисқа вақт ичида беш шогирд етиштирди. Ҳайитой Мирзаева, Сафия Дўстмирзаева, Бибинор Ҳолдорбековалар шулар жумласидан.

Яқинда яна шу цехда бўлдим. Иш соати энди бошланган экан. Майна опа билан суҳбатлашиб турганимда унинг ҳузурига буюртмачиларидан бири — Карл Маркс номли колхоз аъзоси Сайфулла Равшанов кириб келди. Ўртоқ Абдуллаева унинг костюм-шимини олиб чиқиб берди. Бежирим тикилган уст-бошдан беҳад қувонган Равшанов қувониб:

— Раҳмат, тикувчи опа!— деди.

Ғузор район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчиси Майна Абдуллаева шаънига бундай илиқ сўзлар кўплаб айтилади. Майна опа илғорликда цехда ёлғиз эмас. Область Советининг депутати Матлуба Муслимова, Шура Володина, Анна Сизова-лар Майна опадан ўрнак олиб, ишда фидоюрлик кўрсатмоқдалар. Цех коллективи юбилей йилини 45000 сўмлик иш бажариш билан якунлашга аҳд қилди.

Э. ДАМИНОВ.

БОЛГАР ЖУРНАЛИСТИ—ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Совет Ўзбекистонининг чет эллар, айниқса социалистик мамлакатлар билан дўстлик, маданий алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Қуёшли диёримизда ҳар йили чет эл делегациялари, туристлари меҳмонга келиб, республикамиз экономикаси, маданияти, фидокор, меҳнатсевар кишилари билан танишадилар. Совет ҳокимияти йилларида эришган буюк муваффақиятларимизни ўз кўзлари билан кўриб, социалистик тузумнинг нималарга қодирлигига, унинг инсонлар тақдиридаги мўъжизасига тан берадилар.

Бошқа социалистик мамлакатлар қатори республикамизнинг Болгария Халқ Республикаси билан дўстлик, кардошлик алоқалари кун сайин ривожланмоқда. Болгариянинг Хасково округи меҳнат аҳли билан Тошкент области меҳнаткашлари ва Ямбол округи меҳнат аҳли билан Андижон области пахтакорлари ўзаро социалистик мусобақа боғлашган. Улар мусобақа шартларининг бажарилишини ҳар йили бир-бирларининг юртига бориб, кўриб келишади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси билан Болгарияда турк тилида чиқадиган «Йени ишик» газетаси бултурдан буён дўстона алоқа боғладилар. Бултур шу газета бош муҳаррирининг ўринбосари Салим Билолов Ўзбекистонда бўлиб, редакциямиз коллективи фаолияти билан, республикамиз меҳнат аҳлининг турмуши ва маданияти билан яқиндан танишган эди. Ўз навбатида редакциямизнинг вакили ҳам Болгарияга бориб келди. Мана бугун шу дўстлик анъанаси давом этиб, «Йени ишик» газетасининг бош муҳаррири Ҳасан Теккелиев Тошкентга келди. Ҳурматли меҳмон Болгариянинг халқ ҳокимияти йилларида эришган ажойиб ютуқларини ўзининг ўткир қалами билан тараннум этаётган машҳур публицистдир.

Ҳурматли меҳмонимиз Ҳасан Теккелиев республикамизда бўлган вақтида Ўзбекистон журналистлари билан тажриба алмашади, серқуёш диёримизнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўради.

Ҳасан ака республикамиз бўйлаб сафарга отланди. Ҳурматли меҳмонимиз Фарғона ва Зарафшон водийларида, Мирзачўл лочинлари ҳузурида бўлиб, меҳнат аҳлининг турмуши, маданияти билан танишади.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ВИСТАВКА ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

МОНРЕАЛЬ, 28 апрель. ТАСС мухбири А. СТАРОДУБ хабар беради:

«Экспо-67» жаҳон виставкасидаги Совет павильони 28 апрель эрталаб иш бошлайди, деб эълон қилинган бўлса ҳам, уни бетоқат томошабинларнинг ўзлари аслида бундан олдин очдилар. Жаҳон виставкасини тантанали суратда очиш маросимига таклиф қилинган минглаб фахрий меҳмонлар кечқурун СССР павильонига келдилар. Павильоннинг бутун қаватлари одамларга тўлиб кетди. Инглиз ва француз тилларида босилган «Москоу ньюс» газетаси меҳмонларга тарқатилди. Бу газетада СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг Совет павильони томошабинларига қуйидаги мурожаати босилган эди:

Совет павильонининг ҳурматли томошабинлари!

Ана шу жаҳон виставкасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи павильонида совет халқи, СССР Олий Совети Президиуми, Совет Иттифоқи ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан сизларни табриклаганлигимдан бениҳоя хурсандман. Павильонимизда меҳмон бўлган дамларингизни вақтичоғлик ва мароқ билан ўтказишингизни истаймиз. Агар сиз канадалик бўлсангиз, биз сиз орқали Канада халқига салом ва миннатдорчилик сўзларимизни йўллаймиз. Канада халқи бизга меҳмондўстлик кўрсатиб, «Экспо-67» виставкасини муваффақиятли ташкил этиш учун кўп иш қилди.

Бу йил — давлатимиз учун шонли йилдир. Совет Иттифоқи ноябрь ойида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали суратда байрам қилади. Бу революция совет халкининг маънавий ва жисмоний кучларини озод қилди, уни янги жамият қуришга отлантирди. Виставка Совет Иттифоқининг ўтган ярим асрлик тарихини ташкил этувчи ҳамма воқеаларни, барча қаҳрамонона ишларни ўзида акс эттира олмайди, албатта. Бизнинг мақсадимиз шуки, Советлар мамлакатининг ўн беш иттифоқдош республикасида яшаб турган кўп миллатли оиласи тўлақонли ҳаётининг лоақал баъзи томонлари ҳақида, совет кишиларининг меҳнати ва маданияти, ҳордиқ чиқариши ва ўқиши тўғрисида, бугунги ишлари ва келажакка мўлжалланган режалари ҳақида гапириб беришдир.

Биздан, Совет кишиларидан давлатимиз эришган шубҳасиз жуда катта ютуқларининг манбалари ҳақида сўраганларида, биз социал ва сиёсий сабабларни, шу сабаблар туфайли 30 йиллик тинч меҳнат шароитида (чунки 20 йил мобайнида Совет Иттифоқига қарши урушлар давом этган эди) СССР қудратли жаҳон давлатига айланди. Биз ана шу сабабларни Канадада ҳам, бутун Америка қитъасида, барча мамлакатларда яхшироқ тушуниб олишларини истар эдик.

Совет кишилари ҳозир экономикани янада юксалтириш ва ўз турмушини бутун чоралар билан яхшилашнинг улкан планларини амалга оширмоқдалар. Биз аминмизки, бошқа халқларнинг ҳам ўз юртларида қиладиган кўпгина муҳим ишлари бор. «Экспо-67» виставкаси инсоният тинчлик шароитида нималарга эришишга қодир эканлигини ниҳоятда яққол кўрсатиб турибди.

Ҳозирги вақтда халқаро муносабатларнинг характерини мамлакатларнинг ҳарбий рақобати эмас, балки тинч-тотув яшаш ва социал тузуми турлича бўлган мамлакатлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик белгилаб бериши лозим. Бинобарин, табиийки, воқеалар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ҳозирги дунёда мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашишга уринишнинг ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига тамомила зиддир. Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин, Бизнинг идеалимиз — урушларни тамомлаш, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш, талаш ва зўравонликни тўхтатиш идеалидир, деган эди. СССР ана шу васиятга ҳамиша амал қилмоқда.

Кейинги йилларда Совет — Канада муносабатлари янада ривож топганлигини таъкидлаб ўтиш биз учун ёқимлидир. Иқтисодий муносабатларгина эмас, шу билан бирга илмий-техника ва маданий бойликларни айирбошлаш ҳам кенгайди. Биз буни табриклаймиз ва ана шундай самарали ҳамкорликнинг кенгайтирилиши ва кучайтирилиши халқларимиз манфаатларига, бутун дунёда вазиятни яхшилаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Биз нималар ишлаб чиқаяётганлигимизни, нималарни орзу қилаётганлигимизни, нималардан хурсанд бўлаётганлигимизни кўришга келганлигингиз учун сизларнинг ҳар бирингизга миннатдорчилик билдирамиз. Сизларга ўзимизнинг энг яхши истакларимизни билдириб, Совет виставкаси сизнинг эътиборингизга тақдим этилган нарсалар ҳақидаги яхши хотира сизда узоқ вақт сақланиб қолади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Н. ПОДГОРНИЙ,
СССР Олий Совети Президиумининг раиси.

ПОЛЬША. Варшава шаҳар спортчи мотоциклчилари шундай машқ қилишади.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

«МОНРЕАЛЬ СТАР»: БЕНИҲОЯ КАТТА АГРЕССИЯ

МОНРЕАЛЬ. «Монреаль стар» газетаси бундай деб ёзади: «Сайгондаги генерал Уэстморленд штабидаги офицерлар Вьетнамдаги уруш ҳаракатларида қатнашаётган ҳарбий хизматчилар сони шу йилнинг охиригача 470 минг кишига етказилишига қарамай, у ерга яна кўшимча равишда 100 минг ҳарбий хизматчи юборишга тўғри келади, деган масалани ҳозирдаёқ муҳокама қилмоқдалар.

Газета Америка авиациясининг Вьетнамдаги ҳаракатлари масаласига тўхталиб, бундай деб ёзади: «Иккинчи жаҳон уруши вақтида Европада бомбардимон қилишлар энг тезлашган йили ҳар ойда 80 минг тонна бомба ташланар эди. Вьетнамда Америка самолётлари март ойи ичида 77 минг тонна бомба ташлади. Бу мана шу уруш давомида бир ой учун рекорд бўлди».

«Вьетнамни бомбардимон қилиш мисли кўрилмаган кенг миқёсда олиб борилмоқда» деб ёзади газета. (ТАСС).

Космонавт қаҳрамон хотираси

ПАРИЖ. (ТАСС). Трапп шаҳрининг мэри Бернард Юго Франциядаги Совет элчихонасига келиб ҳалок бўлган қаҳрамон В. М. Комаров онласига ўзининг таъзиясини билдиришни илтимос қилди ва Париж яқинидаги шу шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига космонавт В. М. Комаров номи қўйилганлигини айтди.

Яна бир мудҳиш қонун

ВАШИНГТОН. Вакиллар палатасининг Америкага қарши фаолиятини текширувчи комиссияси Жанубий Вьетнам ватанпарварларига ёки Вьетнам Демократик Республикасига ёрдам фондига маблағ ёки ноналар тўплаган кишиларга 20 минг доллар миқдорида штраф солишни ёки уларни 20 йилгача муддат билан турмага қамашни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллади.

(ТАСС).

Уч ойлик жанг якунлари

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнамнинг Контум вилоятида ҳаракат қилаётган ватанпарварлари шу йилнинг уч ойи ичида душман позицияларига юз мартадан кўпроқ ҳужум қилдилар. Улар душманнинг 600 солдатини, шу жумладан американликларнинг 400 солдатини яксон қилдилар ва жароҳатлантирдилар.

Ватанпарварлар шу давр ичида душманнинг 18 самолётини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар, кўп миқдорда ўлжа олдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ҒАЗАБИ

● ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Францияда забастовка ва намойишлар кучайиб бораётир., Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун курашни авж олдирмоқдалар.

Лотарингиядаги металлургия заводлари ишчиларидан 60 минг киши иш ташламоқда. Ана шу райондаги темир руداси конларида қариб бир ой муқаддам бошланган забастовкада ишчилардан ўн уч минг киши қатнашмоқда.

Франция савдо флотининг команда состави уч кунлик забастовка ўтказмоқда. Кемаларнинг эгалари иш ҳақини ошириш тўғрисидаги янги битимларни тузиш тўғрисида касаба союзларнинг талабларини қондиришдан бош тортганларидан кейин забастовка тўғрисида қарор қабул қилинди.

Франция умумий меҳнат конфедерацияси составига кирувчи денгизчилар касаба союзларининг миллий федерацияси команда составининг забастовкаси билан бирдам эканлигини билдирди.

Забастовка Гавр, Марсель, Бордо, Ларошел ва Франциянинг бошқа портларида тўхтаб қолган кўпгина савдо кемаларига ҳам ёйилди.

● ЯПОНИЯ

ТОКИО. Япония цемент саноати ишчилари касаба союзлари федерацияси бутун мамлакатда 48 соатлик забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар Федерация 28 минг аъзога эга. Бу япон цементчиларининг шу ҳафтадаги учинчи забастовкасидир.

● АМЕРИКА ҚУШМА ШТАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Хейвендаги (Коннектикут штати) федерал округ судьяси У. Тимберс ишчиларга қарши қаратилган Тафт-Хартли қонунини «Авко» авиация корпорациясининг Стратфордаги заводи ишчиларидан 4,5 мингдан кўпроқ кишига қарши қўлланиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу ишчилар яқинда забастовка эълон қилган эдилар. Заводда Вьетнамда фойдаланилаётган вертолётлар учун моторлар тайёрланмоқда.

Забастовка «миллий хавфсизликка таҳдид солади» деб ҳисоблаган ҳукуматнинг қаттиқ талаби билан ана шундай суд қарори қабул қилинди. Суд қарорига биноан забастовка камида 80 кунга кечиктирилди.

Авиация ва автомобиль саноати ишчилари Бирлашган касаба союзининг ижроия комитети ўз баёнотида Тафт-Хартли қонунининг демократияга зид бўлган қоидаларини кескин қоралади.

Детройтда авиация ва автомобиль саноати ишчилари Бирлашган касаба союзининг съезди тамом бўлди. Съезд делегатлари қабул қилган резолюцияда 1.660 минг союз аъзоси номидан иш ҳақини анча оширишни, иш ҳафтасини қисқартиришни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилдилар.

● АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Бристолдаги авиация заводида ишчилардан 600 киши забастовка эълон қилди. Забастовка натижасида Англия билан Франция биргаликда қураётган овоздан тез учувчи «Конкорд» осмон лайнери қуришдаги ҳамма ишлар тўхтаб қолди. Иш ташловчилар маъмурият ишдан бўшатган ўз ўртоғининг яна ишга олинишини талаб қилмоқдалар.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ ҚЎШИНЛАРИГА

БУЙРУҚ

1967 йил 28 апрель № 26
Тошкент шаҳри.

§ 1

1967 йил 1 Май паради тўғрисида

Меҳнаткашларнинг Халқаро Бирдамлик Куни — 1967 йил 1 Май эрталаб соат 9 да Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда Тошкент гарнизони қўшинларининг паради бўлади.

Парадни Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Н. Г. Ляшченко қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга топширилган.

§ 2

Қисм командирлари линейликларни ўз вақтида юборибқ, қўшинларни парадга тасдиқланган тартибга мувофиқ белгиланган вақтда олиб чиқишлари зарур.

Кийимлар формаси ёзги парад формадир.

§ 3

Артиллерия салюти мен берган кўрсатмага мувофиқ амалга оширилсин.

§ 4

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш юзасидан умумий раҳбарликни Тошкент шаҳар гарнизони комендантининг ўринбосари майор И. А. Наклескинга топширамен.

Тошкент гарнизони бошлиғи, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенанти

Л. БАУКОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1967 ЙИЛ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1967 йил 1 Май — Халқаро байрам кунида В. И. Ленин номидаги майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади. Намойиш эрталаб соат 10 да бошланади.

Меҳнаткашларнинг намойишда иштирок этувчи вакиллари ўз корхоналари, муассасалари бўйича йиғилиш пунктига тўпланадилар ва район колонналарида белгиланган маршрут бўйича, уюшган ҳолда В. И. Ленин номидаги майдон сари юрадилар.

В. И. Ленин номидаги майдонга пропускаси бўлган граждалар кўрсатилган пунктлардан, автомашиналар эса махсус пропускалар билан кўрсатилган пунктлардан соат 8 дан 45 минут ўтгунча қўйилади.

Шаҳар 1 Май байрам комиссияси.

«ПОЛИТОТДЕЛ»НИНГ БЕШ ТЎПИ

Футбол

Ўтган кунн «Политотдел» колхозининг футболчилари навбатдаги матчда Марказий «Пахтакор» стадионида ўз группаларида қатнашаётган Томск шаҳрининг «Торпедо» командасини қабул қилдилар. Ўйин бошланишиданоқ колхоз футболчиларининг ғалаба қозониш руҳи билан майдонга тушганлиги сезилиб турар эди. Политотделчилар кўпроқ қанотдан ҳужум қилиб меҳмонларнинг ваиф томонларидан зарба бериб туришди. Учрашувнинг биринчи бўлимидаёқ томсклик спортчилар дарвозасига тўрт тўп киритилди. Ўйиннинг 24 минутида «Торпедо» командаси жарима майдончасида хавфли вазият туғилади. Бу спорт курашида ўзининг чиройли ўйини, тўпни аниқ йўналтириши билан томошабинларнинг бир неча бор олқишига сазовор бўлган ҳужумчи Станислав Стадник узатилган тўпни боши билан уриб меҳмонлар дарвозасига йўналтиради. Дарвоза томон учиб кетаётган тўп «Торпедо» командасининг ҳимоячиси Томаревга тегиб дарвоза тўрига келиб тушади.

Шундан сўнг колхоз футболчилари актив ҳужумга ўтиб ҳисобни яна оширадилар. Тўпларни меҳмонлар дарвозасига Михайлов (2) ва Малиновский (2) киритдилар.

Шундай қилиб «Политотдел» командаси бу ўйинда 5:0 ҳисоби билан голиб чиқиб ўз мухлисларига қимматли икки очко тухфа этдилар.

Фарғоналик нефтчилар команда-си ҳам муҳим ғалабани қўлга киритишди. Улар Хабаровск шаҳрининг армия спорт клуби футболчиларини қабул қилиб, улар дарвозасига учта жавобсиз тўп урдилар.

Шу группадаги қолган командалар учрашуви қуйидагича натижалар билан тугади: «Помир» (Ленинобод) — «Локомотив» (Челябинск) — 2:0, «Олга» (Фрунзе) — «Луч» (Владивосток) — 1:0, «Строитель» (Ашхобод) — «Кузбасс» (Кемерово) — 3:0, «Шахтёр» (Қарағанда) — «Темп» (Барнаул) — 1:0, «Восток» (Уст-Каменогорск) — АСК (Новосибирск) — 0:1, «Уралмаш» (Свердловск) — «Иртиш» (Омск) — 1:1.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА СЕЛ

29 апрелга ўтар кечаси Тошкент областида мисли кўрилмаган даражада жуда кўп ёмғир ёғди Ёғингарчилик ҳажми ойлик нормадаги 37 миллиметрдан 56 миллиметрга етди. Паркентсой ва Қизилсой анҳорларини нг суви қиргоқлардан ошиб, Қорасувга, сўнгра Тошкент каналига ва Моргуненко номидаги каналга қуйилди. Натижада гидротехника иншоотлари бузилди, яқин атрофдаги далалар ва баъзи посёлкаларни сув босди. Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Оржоникидзе районлари ва қисман Бўка районн ҳўжаликларига зарар етказди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. КОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — «Болаларни мактабга тайёрлаш» (суҳбат), 8.25 — Концерт (халқ талантлари), 9.30 — «Ялла» концерти. 10.30 — Музикали салом, 11.10 — «Табассум» (радиожурнал), 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Концерт (чорвадорлар учун), 13.30 — Байрам музикали табриклари, 15.20— Экран янгиликлари, 15.30 — «Шоҳи сўзана» (Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи), 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — «Ассалом, юбилей баҳори» (қоз.), 19.20 — И. Икромов қўшиқлари, 20.00 — «Табассум» (такрорий эшиттириш), 21.20 — Концерт (Май олди мусобақаси илғорларининг талабига мувофиқ), 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Эстрада концерти, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Мурзилка ва дев** (мультфильм), 11.20 — **Баҳор табассуми** (болалар ўчун), 11.45 — **Осмон налити** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Ёш куч** (мактаб ўқувчилари учун спорт программаси), 13.40 — **Улар 200 киши эди** (телефильм), 14.00 — **Май қувончлари** (эшиттириш ва концерт), 15.00 — **Аҳолини атом ҳавфидан муҳофаза қилиш** (рус тилида).

Рус тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **Телевизион янгиликлар**, 17.10 — **Қурувчиларнинг телевизион клуби**, 18.30 — **Циклон тунда бошланади** (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 19.45 — **Телевизион янгиликлар**, 20.00 — **Ғазалхон ёшлигим** («Ёшлик» студияси) 21.00 — **Май базми.**

22.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Математика** (сиртдан ўқиётган студентлар учун ўқув программа), 12.00 — **Математика** (рус тилида)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 30/IV да **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Ўғирланган умр**, 1/V да кундуз ва кечқурун **Парвона**, 2/V да кундуз ва кечқурун **Вероналик икки йигит**, 3/V да **Қутлуғ қон** (кундузги томошалар соат 12 да, кечки томошалар 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/IV да **Нурхон**, 1/V да кундуз **Қалам қошлигим**, кечқурун **Гули сиёҳ**, 2/V да кундуз **Катта концерт**, кечқурун **Тошболта ошиқ** (кундузги томошалар соат 12 да, кечки томошалар 8 яримда бошланади); 1—2/V да **Катта концерт** (ёзги бинода кеч соат 9 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/IV, 1—2/V да **Катта байрам томошалари.** Москва цирки артистларининг гастроли ва Ҳиндистон филлари аттракциони. (уч марта томоша кўрсатилади).

КИНО

30 АПРЕЛДА

Унутма... Лугова станцияси — «ДРУЖБА» (4-зала), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

Йўлбарс кўрфази — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммаси ёдимда, Ричард — «МИР», «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Жаноби олий офицерлари — НАВОИЙ номли, СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Уни яхши билар эдим — «ДРУЖБА» (2-зала), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Кавказ асираси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 ярим, кеч 7 ярим ва 9-15 минутда).

Қиз ва тимсоҳ — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

1 МАЙДА

Саёҳат — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Виждон амри билан — НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Гуноҳкорлар мактаби — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Алёшканинг ови — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

2 МАЙДА

Саёҳат — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Виждон амри билан — НАВОИЙ номли, САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Гуноҳкорлар мактаби — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ғазаб — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Наташа Ростова — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Энг омадсиз кун — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Ёзги бинода

(кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Тош юрагнинг ўғиллари (1 ва 2-серия) — «УДАРНИК».

Уни яхши билардим — «ПОБЕДА».

Бўри фезл — «ШАРҚ».

Етти оғайни фарзандлари — «МЕҲНАТ».

Опа — 1 МАЙ номли.

Алишер Навоий номли академик катта театрда

1 майдан

Кечки спектакллар соат 7 яримда бошланади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

1 Май байрам кунлари — **30 апрель, 1 ва 2 майларда** Тошкент шаҳридан областларга автобусларнинг қатнаш вақти узайтирилади:

Чирчиқ ва Янгийўлга — кечаси соат 12 гача.

Олмалиққа — кеч соат 9 гача.

Бекободга — кеч соат 8 гача.

Область автомобиль трести.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283 Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34786. Совет қурилиши — В33258 Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036. В37221 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В39005 В33553 Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249. В30250. В30251, В30252, В30253 В30254 В30255 В30256 В30257 В30258.

№ А — 102. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 00893